

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МИРХАМИДОВ МИРЗИЁД ВАСИЛДЖАНОВИЧ

**РЕВМАТОИД АРТРИТ РИВОЖЛАНИШИ ВА
ПЕРСОНИФИКАЦИЯЛАНГАН ДАВОЛАШДА ЯЛЛИГЛАНИШ ОЛДИ
ЦИТОКИН ГЕНЛАРИ ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ ЎРНИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мирхамидов Мирзиёд Василджанович

Ревматоид артрит ривожланиши ва персонификацияланган
даволашда яллиғланиш олди цитокин генлари

полиморфизмининг ўрни..... 3

Мирхамидов Мирзиёд Василджанович

Роль полиморфизма генов провоспалительных цитокинов
в развитии и персонифицированной терапии

ревматоидного артрита..... 21

Mirkhamidov Mirziyod Vasildjanovich

The role of polymorphism of proinflammatory cytokine
genes in the development and personalized therapy of

rheumatoid arthritis..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МИРХАМИДОВ МИРЗИЁД ВАСИЛДЖАНОВИЧ

**РЕВМАТОИД АРТРИТ РИВОЖЛАНИШИ ВА
ПЕРСОНИФИКАЦИЯЛАНГАН ДАВОЛАШДА ЯЛЛИГЛАНИШ ОЛДИ
ЦИТОКИН ГЕНЛАРИ ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ ЎРНИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1353 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Набиева Дилдора Абдумаликовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Шодикулова Гуландом Зикрияевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Алиахунова Мавжуда Юсупахуновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» IX соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (779 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «30» VII да тарқатилди.
(2021 йил «30» VII даги 1 рақамли реестр баённомаси)



[Signature]
А.Г. Гадаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

[Signature]
Н.И. Пулатова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

[Signature]
Л.Т. Даминова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда ревматоид артрит дунё миқёсида соғлиқни сақлашнинг муҳим тиббий ва ижтимоий муаммоларидан бири бўлиб, ногиронликнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...ревматоид артрит (РА) катта ёшдаги аҳоли ўртасида 0,8–2% вазиятларда (аёллар орасида 5% гача), бўғим касалликлари кесимида 10% гача учраб, касалланишнинг янги ҳолатларини йиллик миқдори 0,02%ни ташкил қилади...»¹. Мазкур касаллик негизида юзага келаётган бўғим структурасининг ўзгариши – анкилоз, деформация ва контрактура шаклланиш даражаси айни вақтда генетик детерминантлик билан боғлиқлиги аниқланган ва касалликнинг наслий мойиллик даражаси 3–5% ни ташкил қилади. Шу сабабли, касалликнинг тиббий ва ижтимоий аҳамияти нафақат кенг тарқалганлиги, балки касалликнинг тез ногиронликка олиб келиши хавфи юқорилиги туфайли иқтисодий зарар билан белгиланадиган тиббиётдаги ечими топилиши зарур бўлган жиддий муаммо ҳисобланади.

Дунёда РАнинг генетик хусусиятларини ўрганиш ва даволаш-профилактика тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу изланишлар РА келиб чиқиши билан генетик омилларнинг боғлиқлигини, турли ген полиморфизмларининг касаллик клиник кечишига, бўғим синдроми ва бўғимдан ташқари белгиларга таъсирини баҳолашдан иборат. РАда генетик омилларнинг бўғим деструкцияси авж олишидаги ўрни, организмнинг маълум базис даво дориларига ўзгарувчан жавоби асосида генетик фарқлиликлар мавжудлиги, генетик хусусиятлар негизида IL6 (C-174G), IL 1β (T31C), TNF-α (G308A) генлар генетик полиморфизмига кўра РАга чалинган беморлар учун базис давони танлашда шахсийлаштирилган услубни ишлаб чиқиш ва жорий этишга қаратилган янги ёндашувни асослаш ҳамда шу касалликдан келиб чиқадиган асоратларнинг олдини олиш чораларни белгилаш зарурлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида ревматологик касалликларни тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни

¹ World Health Organization. The top 10 causes of death.2020 update. Available from: <http://www.who.int> Accessed 2020.

профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида турли даражадаги ревматологик касалликларни тарқалиши, ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликлар асоратлари натижасидаги юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда дунёда РАнинг кечиши, генетик хусусияти ва уни патогенетик даволаш юзасидан етарлича илмий тушунча шаклланган, жумладан: РА кечишининг TCRA, TCRB, TCRG генлари полиморфизмлари билан боғлиқлиги аниқланган (Stanford University Medical Center (АҚШ, 2019)); матрикс металлопротеиназа (MMP) MMP9-1562 C/T генларининг РА ривожланиши, у ёки бу базис давога турлича жавоб бўлишида айрим генларнинг таъсири мавжудлиги аниқланган (Medizinische University Wien (Австрия, 2016)); маълум генлар полиморфизмининг у ёки бу базис антиревматик дорилар метаболизми билан боғлиқлиги исботланган (European Consortium on Rheumatoid Arthritis Families (Австрия, 2014)); MDR1 гени хусусиятларига боғлиқ ҳолда РАнинг ўзига хос клиник кечиши таърифланган (Pomeranian Medical University (Швеция, 2017)); RTPN22 генининг C1858T полиморфизми турли этник гуруҳларда, айниқса, европаликларда РАга сезувчанлик билан боғлиқ ва T аллели ревма омил мусбат беморларда ревма омил салбий беморларга қараганда анча кенг тарқалганлиги аниқланди (Lee Y. et al., 2018).

Ревматоид артрит ривожланишида генлар полиморфизмини ўрганиш борасида олиб борилган тадқиқотларда бир қатор натижаларган эришилди, жумладан: ревматик артритли касаллигининг юқори яллиғланишли АЦЦП-мусбат беморларнинг молекуляр генетик текшируви (РЕМАРКА

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони

тадқиқотлари)да CTLA4 (+49A>G, rs231775), IL6R (+358A>C, rs8192284), IL10 (-592A>C, rs1800872) генлар билан ўзаро боғлиқлиги аниқланди (Гусева И.А., 2018); CCR5 генининг генетик полиморфизмлари радиографик оғирлигини аниқлаш учун, айниқса РА да эрозия ривожланишида бевосита хавф омили эканлиги исботланган (Lebre M. et al., 2011).

Ўзбекистонда сўнгги йилларда нашр этилган адабиётларда ревматоид артритга оид қатор илмий ишларнинг амалга оширилганлиги қайд этилган. Уларда, асосан касаллик кечишининг айрим жиҳатлари кўрсатилган. Жумладан: гаптоглобин генетик фенотипларини РА кечиши ва даволаш самарадорлигидаги аҳамияти (Шодикулова Г.З., 2010); ташқи иқлим ва экологик омиллар таъсирида ревматоид артритнинг ўзига хос кечиши (Ахмедов Х.С., 2017); РА даволашда гастро-нефропатиялар ривожланишининг патогенетик муаммолари (Усманова Ш.Э., 2018); ревматоид артритнинг ўзига хос клиник кечиши ва даволаш самарадорлигида MDR1 ген полиморфизми аҳамияти (Абдурахманова Н.М., 2019) кабилар кўрсатиб ўтилган. Бироқ юқорида кўрсатилган адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики: РА клиник кўринишлари, кечиши ва прогнози ривожланишида IL6 (C-174G), IL 1β (T31C), TNF-α (G308A) генлар генетик полиморфизмининг аҳамиятини ўрганилмаган; IL 6 (C-174G), IL1β (T31C), TNF-α (G308A) генларининг полиморфизми корреляцияси рентген босқичига, ДАС28 нинг фаоллик даражасига ва яллиғланишнинг асосий маркерлари билан уларнинг сезувчанлиги, ўзига хослиги ва прогностик аҳамиятини ўрганилмаган; IL6 (C-174G), IL 1β (T31C), TNF-α (G308A) генлар генетик полиморфизмининг РАни даволашдаги самарадорлиги ўрганилмаган.

Ўтказилган тадқиқотларга қарамасдан, шундай хулосага келиш мумкинки, бугунги кунда РА учун базис давони танлаш долзарб ва охиригача ўрганилмаган муаммолардан бири ҳисобланади. IL6 (C-174G), IL 1β (T31C), TNF-α (G308A) генлар генетик полиморфизмини ҳисобга олган ҳолда базис давони танлаш кейинги илмий ишларда шахсийлаштирилган даво усулини ишлаб чиқиш, ногиронликнинг олдини олиш борасидаги вазифаларни ҳал қилишда долзарб муаммо ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011800229 “Ички аъзолар касалликларини ташхислаш ва юқори самарали даволашнинг янги йўллари излаш. Касалликнинг олдини олишнинг оқилона йўллари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ревматоид артрит ривожланиши ва персонификацияланган даволашда IL6 (C-174G), IL 1β (T31C) ва TNF-α (G308A) цитокинлари генлари полиморфизмини ўрнини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

IL6 (C-174G), IL1β (T31C), TNF-α (G308A) цитокин генлари полиморфизмини аниқлаш;

IL6 (C-174G), IL1 β (T31C), TNF- α (G308A) цитокин генлари полиморф вариантларини РА билан касалланган беморлар ўртасида тарқалиш частотасини аниқлаш;

IL6 (C-174G), IL1 β (T31C), TNF- α (G308A) цитокин генлари полиморфизмини клиник, лаборатор ва инструментал кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш;

генлар полиморфизми асосида базис яллиғланишга қарши даво аҳамиятини аниқлаш ва персонификацияланган даволаш тамойилларини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси кардиоревматология ва ревматология бўлимларида 2016-2018 йилларда РА билан стационар ва амбулатор даволанган 77 нафар беморлар ва 81 нафар соғлом инсонлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида каппиляр қон, биохимик, генетик текширувлар учун қон зардоби ҳамда пешоб натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотни бажариш давомида умумклиник, клиник-функционал, биокимёвий, молекуляр генетик, статистик, оғриқни баҳолаш учун визуал-аналог шкаласи, касаллик фаоллигини аниқлаш учун DAS28 ҳисоблагичи ва CDAI индексидан ҳамда рентгенологик текширув усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ревматоид артрит касаллиги клиник, лаборатор ва инструментал кўрсаткичларининг IL6 (C-174G), IL 1 β (T31C), TNF- α (G308A) генлари генетик полиморфизми билан узвий боғлиқлиги исботланган;

илк марта IL1 β (T31C) ва IL6-174 (G→C) генларининг бирикмалари ревматоид артрит клиник кечиши ва ривожланишининг прогностик мезонлари сифатида диагностик аҳамиятга эга эканлиги асосланган;

IL1 β генининг T31C полиморфизми ревматоид артрит касаллиги ривожланишида мустақил генетик маркёр сифатида хизмат қилиши исботланган;

IL6 (C-174G), IL1 β (T31C), TNF- α (G308A) генлари полиморфизмини ҳисобга олган ҳолда ревматоид артрит билан оғриган беморларни олиб бориш учун ихтисослаштирилган тамойиллар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

клиник тадқиқотлар бўғимларда патологик ўзгаришлар ҳосил бўлишининг молекуляр механизмларини аниқлаш эрта ташхис қўйишга ва даволашга турлича ёндошиш имкони яратилган;

IL6 (C-174G), IL1 β (T31C), TNF- α (G308A) генлари полиморфизмини ўрганиш, уларнинг асосий радиологик босқичлар билан, DAS28 фаоллик даражаси ва яллиғланишнинг асосий белгилари билан боғлиқлиги бўғимларда патологик ўзгаришлар ва тизимли бузилишларнинг ривожланиши учун прогностик мезонлар ишлаб чиқилган.

Ревматоид артрит билан касалланган ўзбек аҳолисида IL6 (C-174G), IL1 β (T31C), TNF- α (G308A) генлар полиморфизмини ўрганиш асосий терапияни танлашга, уни ўтказиш вақтига, дори воситалари дозасини

мукаммаллаштиришга, асоратлар учрашини камайтиришга, турғун яллиғланишга қарши жавоб олишга имкон яратилган.

Ўтказилган клиник тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган ревматоид артритни индивидуал даволаш алгоритми касаллик ривожланишини сезиларли даражада камайтиришга, даволаш натижаларини яхшилашга ва беморларнинг ҳаёт сифати ва фармако-иқтисодий самарадорликни оширишга олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда замонавий услуб ва воситаларнинг қўлланилганлиги, клиник, молекуляр-генетик, инструментал, статистик текширув усулларида фойдаланилганлиги ва олинган барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаган ҳолда қайта ишланганлиги, назарий ва амалий тадқиқотларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда амалиётга жорий қилинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти РА билан оғриган беморлар генетик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда касаллик клиник кечишининг ўзига хослиги, дори воситаларини қўллашда жавоб хусусиятлари IL6 (C-174G), IL1 β (T31C), TNF- α (G308A) гени полиморфизмига боғлиқлигининг назарий жиҳатдан асосланганлиги, олинган натижалар, хулосалар ва таклифлар ревматоид артритни даволаш самарадорлигини башоратлашда, ўтказилган молекуляр-генетик текширувлар эса ревматоид артритни даволашда метотрексатга резистентлик сабабини аниқлашда катта ҳисса қўшганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти IL6 (C-174G), IL1 β (T31C), TNF- α (G308A) генлари полиморфизми генотипларини ўрганган ҳолда беморлар учун базис давонинг самарадорлигини оширишдан иборат. IL6 (C-174G), IL1 β (T31C), TNF- α (G308A) генларининг полиморфизмини ўрганган ҳолда базис давони танлашда ишлаб чиқилган шахсийлаштирилган усул даволаш самарадорлигини ошириш, бу эса, ўз навбатида, беморлар ҳаёт сифатини ошириш, эрта ногиронликнинг олдини олиш, касалликнинг қайталаниш муддатини камайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. IL6 (C-174G), IL1 β (T31C), TNF- α (G308A) генлари полиморфизмига боғлиқ ҳолда ревматоид артритга чалинган беморлар клиник кечишининг ўзига хосликлари ва даволаш самарадорлигини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

Интерлейкин-1 β ген полиморфизмини ўрганиш орқали ревматоид артритнинг фармакотерапиясида асоратлар хавфини прогноз қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Интерлейкин-1 β ген полиморфизмини ўрганиш орқали ревматоид артритнинг фармакотерапиясида асоратлар хавфини прогноз қилиш усули” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 8 н-р/654-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, эрта ногиронликнинг олдини олиш, РАнинг қайталаниш муддатини қисқартириш имконини берган;

РА билан оғриган беморларни даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси ва Бухоро вилояти, Шофиркон туман тиббиёт бирлашмасига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 08-09/9566-сонли маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши ревматоид артритга чалинган беморларни даволаш самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, эрта ногиронликнинг олдини олиш ҳамда стационар даволаниш такрорийлиги ва муддатини қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертацияда белгиланган тадқиқотнинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари келтирилган, тадқиқотнинг объект ва предмети таърифланган, тадқиқот ишининг республикада фан ва технология ривожланишининг етакчи йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, тадқиқот иши асосида нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Ревматоид артрит генетик полиморфизмининг замонавий муаммолари (адабиётлар таҳлили)**» деб номланган биринчи бобида бевосита мазкур тадқиқот иши мавзусига яъни РА муаммосининг назарий қирраларининг шарҳи келтирилган ҳамда илмий маълумотлар тизимлаштирилган, касалликнинг клиник кечиши хусусиятлари тўғрисидаги замонавий тушунчалар ёритилган, касаллик кечишига генетик омилларнинг таъсири ҳамда РА даволашдаги замонавий ёндошувлар ёритиб берилган.

Ушбу бобда замонавий адабиёт манбалари кўриб чиқилган ҳамда таҳлил этилган бўлиб, бунда IL6 (C-174G), IL1 β (T31C), TNF- α (G308A) генлари ва унинг полиморфизмлари тўғрисидаги маълумотлар ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг материал ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида, тадқиқот дизайни, тадқиқот давомида қўлланилган материал ва услублар, беморларнинг клиник таърифи, олинган натижаларга статистик ишлов беришда қўлланилган усуллар келтирилган. Илмий тадқиқотимизнинг объекти

сифатида жаъми текширилганлар сони 158 нафар ташкил этди. Шулардан 2016-2018 йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси (ТТАКТК)да стационар ва амбулатор шароитида даволанган РАли 77 нафар бемор танлаб олинган. Назорат гуруҳини 81 нафар ревматологик анамнезга мойил бўлмаган, амалий соғлом кўнгиллилар ташкил қилиб, улар ёш бўйича асосий гуруҳга ўзаро мос бўлдилар. Тадқиқот иши давомида кузатувдаги беморларнинг ўртача ёши $44,32 \pm 1,40$ ёшни ташкил қилди (18 дан катталар). Кузатув гуруҳларидаги беморларда касаллик давомийлиги 1 йилдан 10, ўртача $6,99 \pm 0,37$ йилни ташкил қилди.

Беморлар 3 гуруҳга бўлиниб ўрганилди: 1чи гуруҳ – 22 РА бемор, метотрексатга ижобий баҳо берувчилар, 2чи гуруҳ – 21 РА бемор, метотрексат билан биргаликда глюкокортикостероидлар ва бошқа препаратлар қабул қилганлар, 3чи гуруҳ – 33 РА бемор, метотрексат қабул қилишида ножуя асоратлар келиб чиққан беморлар.

Касаллик фаоллик даражаси ҳамда бўғим синдромининг яққоллик даражаси оғриқли ва шишган бўғимлар сони, DAS28 ва CDAI индекслари билан аниқланиб, ҳамда оғриқни 100-миллиметрли визуаланалогик шкала (ВАШ), Ричи индекси ёрдамида баҳоланди. Кузатувдаги барча беморларга қўл кафти ва оёқ кафтининг дистал қисмларини анъанавий рентгенографияси тўғри (олдинги орқа) проекцияда ўтказилди, ҳамда РА рентгенологик босқичи модифицирланган Steinbrocker усулида аниқланди. Майда бўғимлардаги деструктив жараёнларни прогрессирланиш даражаси Ларсен усулида ўлчанди.

Барча беморларда ҳаёт сифатини баҳолаш мақсадида сўровнома ўтказилди (SF-36), динамикада беморлар аҳволини яхшиланиши % ACR (ACR20, ACR50 ва ACR70) мувофиқ равишда функционал бузилишлар ва Health Assessment Questionnaire (HAQ) сўровномаси бўйича саломатлик ҳолати баҳоланди.

Молекуляр-генетик текширув учун ДНК/РНК ажратишга мўлжалланган «Рибо-Преп» тўпламидан фойдаланилди (AmpliSens, Россия). IL6(C-174G), IL1 β (T31C), TNF- α (G308A) полиморфизмларини аниқлашда мўлжалланган РНК-сорб ООО «ИнтерЛабСервис» ва «ДНК-экспресс кровь» ООО «Литех» (Москва) реагентлар тўплами қўлланилди.

Геномли ДНК 0,5 мл миқдордаги периферик қондаги лейкоцитдан «Рибо преп» реагентлари тўпламидан фойдаланилган ҳолда ажратиб олинди (Амплисенс, Россия).

Полимераза занжир реакциясини ўтказиш амплификация “7500 Fast Real Time PSR Systems (Applied Biosystems США) тўплами ёрдамида анъанавий икки праймерли схемада ўтказилди, бунда якуний ҳажм 15 мкл ташкил қилди.

Амплификация якунланганидан сўнг текширув натижалари документлар папкаси кўринишида экранга автоматик равишда чиқарилди.

Тадқиқот давомида олинган натижаларга статистик ишлов бериш персонал компьютернинг Microsoft Office Excel ҳамда «STATISTICA 6.0» дастурли пакетларини қўллаган ҳолда ўтказилди. Корреляцион таҳлилда Пирсоннинг корреляцион даражаси (r) ёки Спирмен бўйича даражали корреляция усулларида фойдаланилди. Корреляция кучи Ребров таснифига


мувофиқ равишда аниқланди: $r \leq 0,29$ – кучсиз корреляция; $0,30 < r < 0,69$ – нисбий корреляция; $0,70 < r < 0,99$ – кучли корреляция; $1,0$ – тўлиқ корреляция.

Диссертациянинг «**Хусусий изланиш натижалари. Ревматоид артрит билан оғриган беморларнинг клиник-анамнестик тавсифи**» деб номланган учинчи бобида, РА билан касалланган 77 нафар бемор ва ва 81 нафар соғлом инсонларнинг клиник-анамнестик, функционал, лаборатор-инструментал текширув натижалари келтирилган.

Тадқиқот иши давомида кузатувдаги беморларнинг ўртача $44,32 \pm 1,40$ ёшни ташкил қилди (20 дан 73 ёшгача) (1-расм). Шулардан 2 (2,6%) эркак ва қолган 75 (97,6%) аёллар ташкил этди (1-расм). Кузатув гуруҳларидаги беморларда касаллик давомийлиги 1 йилдан 10 йилдан ортиқ ташкил қилиб, ўртача $6,99 \pm 0,67$ йил бўлди. Кузатувдаги беморларнинг 45 нафарида (37,5%) касаллик давомийлиги 2 йилдан камроқ вақтни, 2 йилдан 3 йилгача - 20 (16,7%), ҳамда 3 йилдан ортиғи – 55 нафар беморлар ташкил қилган (45,8 %). 81.6% беморларда полиартрит кузатилди.

Касаллик анамнези маълумотлари таҳлиliga кўра, беморларда ўртача $37,84 \pm 1,34$ ёшда РА илк симптомлари пайдо бўлган. РА хос бўлган биринчи симптомларни пайдо бўлишидан то якуний ташхис тасдиқлангунча бўлган ўртача вақт 12 ойни ташкил қилган.

Бизнинг тадқиқотимизда 39 нафар (51,0%) беморларда РА серопозитив, 38 (49%) беморларда эса РА серонегатив ҳолатлари.



1-расм. РА билан беморларнинг ёши, жинси ва РО бўйича тақсимланиши

DAS28 индекси бўйича юқори фаоллик ($>5,1$) – 34 нафар (44,2%) беморларда ҳамда РА I фаоллик даражаси 10 (7,8%) ва II ўртача фаоллик даражаси 37 нафар беморда (48,0%) аниқланди (2-расм).

Асосан (36; 46,75%) 2чи рентгенологик босқичи аниқланди.

Таҳлил давомида касалликнинг ифодаланган босқичи кўпроқ (38 нафар (49%)) намоён бўлди.

НАQ сўровномаси бўйича 59 (76,62%) нафар беморларда 2чи функционал етишмовчилик аниқланди, шу билан бир қаторда бўғимлар функционал етишмовчилиги III синф беморлар сони 13 нафарни (16,8%) ташкил қилди (2 - расм).



2-расм. РА билан беморларнинг касаллик фаоллиги, босқичи, рентгенологик босқичи, бўғим функционал етишмовчилиги бўйича тақсимланиши

Ўз навбатида, беморларда эрталабки қарахтлик ўртача $104,52 \pm 3,97$ дақиқа давом этган, ЭЧТ миқдори эса – $18,39 \pm 3,97$ мм/с бўлган. Шунинг таъкидлаш лозимки, барча (100%) беморларда симметрик артрит, жумладан 3 тадан ортиқ бўғимларни зарарланиши кузатилган. Шу билан бир қаторда, барча беморларда (100%) қўл қафтини зарарланиши кузатилиб, оғриқли бўғимлар сони ўртача - $20,2 \pm 0,6$, шишган бўғимлар $11,9 \pm 0,4$ та бўлди.

Анамнез маълумотларига кўра наслий мойиллик 3,2% даволанган РА беморларда аниқланди. Барча беморлар орасида 21,2%да ногиронлик бўлиб, бу асосан касаллик оғир кечувчи беморларга хос бўлди. Асосан 2чи ва 3чи гуруҳлар ногиронликлари кузатилган ва бундай беморларда бўғим функцияси оғир етишмовчилиги бўлган беморларга берилган. 36,6% РА беморларда турли ҳилдаги тизимли ўзгаришлар аниқланди. Буларга тизимли қизил бўрича, дерматомиозит, тизимли склеродермия, увеит, қайталанувчи полиартрит ва бошқа касалликлар аниқланган.

SF-36 саволномаси бўйича динамикада ўтказилган сўровномада 1-гуруҳ беморларида даволашдан олдинга нисбатан даволашнинг 6 ойидаги

саломатликнинг жисмоний ва рухий таркибида беморлар ҳаёт сифатини нисбатан яхшиланганлиги аниқланди. Ўз навбатида, 2-гурух ва 3-гурух беморларида ҳаёт сифатини ўзгариши деярли кузатилмади.

Метотрексатга салбий реакциялар трансминаземия (14,3%), диспептик ҳодисалар (64,3%), аллопеция (35,7%), лейкопения (28,6%), тери реакциялари (7,1%) ва бошқалар билан намоён бўлди.

Диссертациянинг «Ревматоид артритли беморларда IL6 (C-174G), IL1B (T31C), TNF- α (G308A) генларини генотиплаш натижалари» деб номланган тўртинчи бобида, айтиб ўтилган генларнинг полиморфизми натижалари ва ташхислаш алгоритми ҳамда даволашни башоратлаш ёритиб берилган.

РА (асосий гуруҳ) билан касалланган ўзбекистонлик беморларнинг умумий популяциясида G/A гени TNF α гени полиморфизми таҳлили натижасида текширилганларнинг биз G аллели юқори частотаси (87,7%), 12,3 фоизда A аллели аниқланди (1-жадвал). Олинган натижаларда A аллел частотасини ошишига мойиллик кузатилган бўлса-да (1,54 марта), умумий ўзбек аҳолисида аллел тақсимотининг қийматларидан сезиларли фарқ қилмади. РА беморларнинг умумий популяциясида генотипнинг тарқалиш частотаси ёввойи гомозигот генотипнинг G/G (75,3%) устунлигини кўрсатган бўлса, текширилаётган беморларнинг 24,7% да гетерозигот G/A варианты аниқланган бўлса, текширилаётган гуруҳда TNF α генотипининг мутант варианты аниқланмаган. Биз томонидан олинган натижалар TNF α генотипларини амалда соғлом донорларга нисбатан тақсимлашда сезиларли фарқлар йўқлигини кўрсатди. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, TNF α генининг гетерозигота вариантининг частотасини фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиясиз бўлсада, амалда соғлом индивидларнинг кўрсаткичларига нисбатан ошиш (1,54 марта) тенденцияси мавжуд.


1-жадвал

РА асосий ва назорат гуруҳи беморларнинг TNF α (G308A) гени полиморфизмининг аллель ва генотипик вариантларининг учраш даражасидаги фарқлар

Аллеллар ва генотиплар	Текширилган аллеллар ва генотиплар миқдори		χ^2	P	RR	95% CI	OR	95% CI
	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳ						
G	87,7%	92,0%	1,6	0,2	1,5	0,78-3,0	1,6	0,76-3,39
A	12,3%	8,0%						
G/G	75,3%	83,9%	1,8	0,2	0,9	0,76-1,05	0,6	0,26-1,28
A/G	24,7%	16,0%	1,8	0,2	1,5	0,8-2,8	1,7	0,77-3,76
A/A	0,0%	0,0						

Бинобарин, РА нинг серонегатив варианты гетерозиготли TNF α генотипининг нисбатан юкори (1,18 марта) частотаси билан ажралиб туради. Гетерозиготлик мавжуд бўлганда РА нинг РО (-)вариантини ОР ривожланиши умумий популяцияга нисбатан сезиларли даражада 2,1 баравар ошди.


TNF α генининг гетероген вариантыни серопозитив ва серонегатив кичик гуруҳларида касалликни клиник, фаоллик ва рентгенологик босқичлари билан солиштирилганда касалликнинг ифодаланган босқичи серонегатив шаклида серопозитив шаклига нисбатан кўпроқ учраганлиги яъни 82 % ни, фаоллиги бўйича ўртача фаоллик серонегатив шакли серопозитивга нисбатан устунлик қилди яъни 73%ни ташкил қилди, рентгенологик босқичлари бўйича серонегатив шаклида 1 босқичи 54% ҳолатда кўп учради, 2 рентген босқичи иккала шаклда ҳам бир хил кузатилди, серопозитив шаклида эса 3 рентген босқичини 20 %га ортганини аниқладик (3 – расм).



3 – расм. TNF α (G308A) гени A/G генотипик вариантынинг РФ (+) ва РФ (-) гуруҳлари ўртасидаги клиник ва инструментал текширув натижалари билан ўзаро боғлиқлиги ўртасидаги фарқлар

Бундан ташқари TNF α генининг C реактив оксил даражаси билан боғлиқлиги ўрганилди. СРО ҳам TNF α генининг гетероген вариантыда юкорилиги кўриниб турибди, яъни 30,6 мг/л ни ташкил қилган.

3 та гуруҳда TNF α гени гетерозигота вариантыни РАнинг серонегатив шаклида таҳлил қилганимизда бошқа гуруҳларга нисбатан МТдан ноўя таъсир кузатилган гуруҳда 60 %га яқин ҳолатда кўпроқ учрашини кузатдик (4 – расм).



4 – расм. TNF α (G308A) ген полиморфизми A/G генотипик вариантлари 3 та гуруҳлардаги учраш даражаси

Ўзбекистон аҳолисининг РА беморларида аллел частоталари ва IL6 -174 генотиби (G→C) вариантларининг тарқалишини таҳлил қилиш G аллели 76,0% гача камайиши фониди ($\chi^2=2,2$, $p=0,1$, OR=1,6) C аллелининг кўпайишга мойиллигини (24,0% гача) кўрсатди (2 - жадвал). Ушбу цитокин генотипларининг умумий РА умумий танловдаги беморларда тақсимланиши гомозиготли G/G вариантларининг 55,8% гача пасайишини кўрсатди ($\chi^2=2,4$, $p=0,1$, OR=0,6), гетерозиготли G/C варианты эса тез-тез аниқланди (40,3%) ($\chi^2=2,0$, $p=0,2$, OR=1,6), ва мутант C / C гомозигота вариантларининг частотаси 3,9% гача ўсди, касаллик ривожланиши нисбий хавфи 1,6 ни ташкил этди.


2-жадвал

Асосий ва назорат гуруҳида IL6 (C-174G) гени полиморфизми аллель ва генотипик вариантларининг учраш даражасидаги фарқлар

Аллеллар ва генотиплар	Текширилган аллеллар ва генотиплар миқдори		χ^2	p	RR	95% CI	OR	95% CI
	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳ						
C	24,0%	17,3%	2,2	0,1	1,4	0,89-2,15	1,5	0,87-2,62
G	76,0%	82,7%						
C/C	3,9%	2,5%	0,3	0,6	1,6	0,27-9,18	1,6	0,26-9,85
C/G	40,3%	29,6%	2,0	0,2	1,4	0,88-2,09	1,6	0,82-3,09
G/G	55,8%	67,9%	2,4	0,1	0,8	0,64-1,05	0,6	0,31-1,14

Бу генда ҳам биз генотипик вариантларини назорат, серопозитив ва серонегатив гуруҳларида ўрганганимизда C/G гетероген вариантларини назорат гуруҳига нисбатан юқорилиги исботланди ва бу асосан серонегатив шаклда кўп кузатилиб ишончлилик курсаткичи 1,9 ни ва 2,1 ни ташкил этди.


IL6 (C-174G) гени полиморфизмини касаллик кечиши ва босқичлари билан солиштирганимизда TNF α каби ўзгаришларни аниқладик (5 – расм).



5 – расм. IL6 (C-174G) гени C/G генотипик вариантынинг PO (+) ва PO (-) гуруҳлари ўртасидаги клиник ва инструментал текширув натижалари билан ўзаро боғлиқлиги ўртасидаги фарқлар

IL6 (C-174G) генининг CPO даражаси билан боғлиқлиги ўрганилди. Шу генининг учала генотипик вариантыда ҳам CPO даражаси кўрсаткичлари бир бирига яқин ҳолатда учраганлиги аниқланди.

IL6 C/G генотипик варианты комбинирланган терапия қабул қилаётган гуруҳида касалликни PO (-) шаклида бошқа гуруҳларга нисбатан 60% ҳолатда устунлик қилди (6-расм). Шу натижадан келиб чиққан ҳолда бизнинг фикримизча IL6 гетерозигота варианты касалликни PO (-) шаклида MT га нисбатан резистентлик ривожланишини башоратлашимиз мумкин бўлади.



6 – расм. IL6 (C-174G) ген полиморфизми C/G генотипик вариантыни 3 та гуруҳлар ўртасидаги учраш даражаси

Ўзбек популяциясининг 63 РА касалида IL1 β генининг аллел частотаси ва T31C генотиплари вариантларининг тарқалишини таҳлил қилиш C аллелининг кўпайиши фониди (50,8% гача) T аллелининг 49,2% пасайишини гача (3-жадвал) кўрсатди. Ушбу цитокин генотипларининг умумий РА намунасидаги беморларда тарқалиши гомозиготли T/T вариантининг 27% гача пасайишини кўрсатди, гомозиготли C/C варианты эса тез-тез аниқланди (25,4% да) ва гетерозиготли T/C варианты умумий популяция чегарасида қолди. Шу билан бирга, назорат гуруҳидаги ХВМ бўйича IL1 β генининг T31C генотиплари аллеллари ва вариантларининг тарқалиш популяциясининг частотаси C = 0,67, T = 0,33 ни ташкил қилди. ХВМ бўйича генотиплар кутилаётган тарқалиш частотаси: T / T = 0,11; T / C = 0,44; C / C = 0,45, ХВМ бўйича генотиплар тарқалишининг кузатилган частотаси: T / T = 0,11; T / C = 0,43; C / C = 0,46 ($\chi^2=0,031$; p=0,9). РА беморларида ХВМ бўйича аллелларнинг тарқалиш частотаси G=0,76, C=0,24 эди. ХВМ бўйича генотипларнинг кутилаётган тарқалиш частотаси: T / T = 0,23; T / C = 0,5; C / C = 0,27, ХВМ бўйича генотипларнинг тарқалишининг кузатилган частотаси: T / T = 0,25; T / C = 0,47; C / C = 0,29 ($\chi^2=0,31$; p=0,6).

3-жадвал


Асосий ва назорат гуруҳида IL-1 β (T-31C) ген полиморфизми аллель ва генотипик вариантларининг учраш даражасидаги фарқлар

Аллеллар ва генотиплар	Текширилган аллел ва генотиплар миқдори		χ^2	P	RR	95% CI	OR	95% CI
	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳ						
T	50,8%	67,3%	7,7	0,005	1,5	1,11-1,93	1,9	1,2-3,0
C	49,2%	32,7%						
T/T	27,0%	45,7%	4,9	0,03	0,6	0,40-0,95	0,5	0,24-0,92
T/C	47,6%	43,2%	0,2	0,6	1,1	0,76-1,52	1,1	0,61-2,1
C/C	25,4%	11,1%	5,0	0,03	2,2	1,07-4,60	2,6	1,10-6,22

Бу генда ҳам биз IL-1 β генотипик вариантларини назорат, серопозитив ва серонегатив гуруҳларида ўрганганимизда C/C вариантини назорат гуруҳига нисбатан юқорилиги исботланди ва бу асосан серонегатив шаклда кўп кузатилиб нисбий хавф 3,3 ни ташкил этди. C/T варианты ҳам назорат гуруҳига нисбатан юқорилиги исботланди ва бу асосан серопозитив шаклда кўп кузатилиб нисбий хавф 1,9 ни ташкил этди.

IL1 β (T31C) ген C/T генотипик вариантининг касалликнинг клиник, лаборатор ва инструментал текширувлар билан ўзаро боғлиқлигини кўрганимизда бу ерда аввалги TNF α ва IL6 генларидаги каби ўзгаришлар


аниқланмади. Яъни TNF α ва IL6 генларидаги касалликни ҳамма босқичларидаги устунлик РО (+) шаклига тўғри келган келган (7 – расм).



7 – расм. IL1 β (T31C) ген C/C генотипик вариантынинг РО (+) ва РО (-) гуруҳлари ўртасидаги клиник ва инструментал текширув натижалари билан ўзаро боғлиқлиги ўртасидаги фарқлар


IL1 β генининг СРО даражаси билан боғлиқлиги урганилди. СРО ҳам C/T ва C/C вариантларида юқорилиги аниқланди.

IL1 β (T31C) генотипик варианты бошқа гуруҳларга нисбатан МТ дан ножўя таъсир кузатилганлар гуруҳида 60 % га яқин ҳолатда касалликни РО (+) шаклида устунлик қилди (8 – расм). Шу натижадан келиб чиққан ҳолда бизнинг фикримизча IL1 β (T31C) ни гетерозигота варианты касалликни РО (+) шаклида МТ дан ножўя таъсир ривожланишини башоратлашимиз мумкин булади.



8 – расм. IL1 β (T31C) ген полиморфизми C/T генотипик вариантынинг 3 та гуруҳлар ўртасидаги учраш даражаси

IL6 (C-174G), IL1 β (T31C), TNF- α (G308A) генлари полиморфизмини ҳисобга олган ҳолда ревматоид артрит билан оғриган беморларни олиб бориш учун ихтисослаштирилган тамойиллар ишлаб чиқилди (9-расм).



9 - расм. РА билан касалланган беморларни ташхислаш ва даволаш алгоритми

ХУЛОСАЛАР

1. TNF α (G308A) генининг G/G генотиби (83,9%), IL1 β (T31C) генининг T/T (45,7%) ва T/C (43,2%) генотиплари, IL6 (C174G) генининг G/G генотиби (67,9%) устунлик қилди;

2. РА билан касалланган беморларда TNF α (G308A) генининг G/A гетерозигот вариантыни кўпайиши, IL1 β (T31C) генининг T/T генотип вариантынинг пасайиши ва C/C генотип вариантынинг кўпайиши тенденцияси кузатилди, IL6 (G174C) генининг G/C гетерозигота ва C/C гомозигота вариантлари амалий соғлом одамларнинг кўрсаткичларига нисбатан кўпроқ учраганлиги аниқланди;

3. TNF α (G308A) ҳамда IL6 (C174G) генларининг гетерозигота варианты касалликнинг серонегатив шакли, ифодаланган босқичи, ўрта даражадаги фаоллик ва рентгенологик II босқичига тугри келди, серопозитивда кечки босқичининг кўпайиши ва юқори фаоллик даражаси билан мос келди;

4. РАнинг серонегатив шаклида TNF α (G308A) гетерозигота варианты асосан МТдан нојўя таъсир кузатилган беморлар гуруҳида юқорилиги ва ИЛ6 (C174G) гетерозигота вариантыни МТга резистент бўлган беморларга гуруҳига хослиги, РАнинг серопозитив шаклида эса ИЛ1 β (T31C) генининг гетерозигота вариантынинг МТдан нојўя таъсир кузатилган гуруҳида кўп учраши аниқланди. Яллиғланиш цитокин генлари полиморфизмини ўрганиш асосида даволаш тамойили яратилди ва РАни даволаш стратегияси такомиллаштирилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

МИРХАМИДОВ МИРЗИЁД ВАСИЛДЖАНОВИЧ

**РОЛЬ ПОЛИМОРФИЗМА ГЕНОВ ПРОВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ
ЦИТОКИНОВ В РАЗВИТИИ И ПЕРСОНИФИЦИРОВАННОЙ
ТЕРАПИИ РЕВМАТОИДНОГО АРТРИТА**

14.00.05 -Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Tib.1353.

Диссертация выполнена в Ташкентском медицинском академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tma.uz) и информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Набиева Дилдора Абдумаликовна
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Шодикулова Гуландом Зикрияевна
доктор медицинских наук, доцент

Алиахунова Мавжуда Юсупахуновна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:


**Ташкентский педиатрический
медицинский институт**

Защита диссертации состоится « 21 » ix 2021 г. в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета 04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована, № 779). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан « 30 » viii 2021 год.

(Протокол рассылки № 1 от « 30 » viii 2021 года)



А.Г. Гадаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.И. Пулатова

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

Л.Т. Даминова

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В сегодняшний день ревматоидный артрит является одной из самых серьезных медицинских и социальных проблем во всем мире и остается одной из основных причин инвалидности. По данным Всемирной организации здравоохранения, «...ревматоидный артрит (РА) встречается в 0,8–2% случаев среди взрослого населения (до 5% среди женщин), до 10% случаев заболевания артритом и ежегодно частота новых случаев составляет 0,02%...»¹. Изменения в структуре суставов, вызванные этим заболеванием - частота анкилоза, деформации и образования контрактур также связана с генетическими детерминантами, а степень наследственной предрасположенности к заболеванию составляет 3-5%. Таким образом, медицинское и социальное значение заболевания представляет собой серьезную проблему, которую необходимо решать в медицине не только из-за ее распространенности, но и из-за высокого риска заболевания, ведущего к быстрой инвалидности.

Во всем мире проводятся обширные научные исследования для изучения генетических особенностей РА и улучшения мер лечения и профилактики. Эти исследования включают оценку взаимосвязи генетических факторов с происхождением РА, влияния различных полиморфизмов генов на клиническое течение заболевания, суставного синдрома и внесуставных симптомов. Роль генетических факторов в развитии деструкции суставов при РА, наличие генетических различий, основанных на вариабельном ответе организма на определенные базовые препараты, генетический полиморфизм генов IL6 (C-174G), IL 1 β (T31C), TNF- α (G308A) у пациентов с РА. Особое значение при выборе базового лечения имеет необходимость обосновать новый подход к разработке и внедрению индивидуального подхода и определить меры по предотвращению осложнений, возникающих при этом заболевании.

Развитие медицинского сектора нашей страны ставит ряд задач, направленных на адаптацию медицинской системы к требованиям мировых стандартов, сокращение и предотвращение распространения ревматических заболеваний среди населения. Определены такие задачи как, «...повышение эффективности, качества и популярности медицинской помощи, оказываемой населению в нашей стране, а также поддержка здорового образа жизни и профилактика заболеваний путем формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создания эффективных моделей патронажной службы и диспансеризации...»². Эти задачи позволят снизить инвалидность и смертность, возникающую в результате осложнений заболеваний, за счет повышения распространенности ревматологических заболеваний различной

¹ World Health Organization. The top 10 causes of death.2020 update. Available from: <http://www.who.int> Accessed 2020.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони

